



СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети,
Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН
ЧИҚА БОШЛАГАН

8 сентябрь 1970 йил, сешанба № 209 (14.675). Баҳоси 2 тийин.



● Тошкент аэропортида Ўзбекистоннинг донгдор меҳнаткашлари, Социалистик Меҳнат Қаҳрамонларининг бир гуруҳи билан ўртоқ Л. И. Брежневга нон-туз солиingan дастурхонни тақдим этмоқдалар.



● Ўртоқ Л. И. Брежнев ҳамда Ўзбекистоннинг партия ва ҳукумат раҳбарлари В. И. Ленин музейи залларида кўздан кечиришмоқдалар.

ЎРТОҚ Л. И. БРЕЖНЕВ ТОШКЕНТДА

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев 7 сентябрда Тошкентга келди. Тошкент аэропортида ўртоқ Л. И. Брежневни КПСС Марказий Комитети Сийбон аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ Ш. Р. Рашидов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзолари ва бюроси аъзолигига кандидатлар И. Г. Анисимкин, Р. Курбанов, В. Г. Ломоносов, Н. М. Матчонов, М. М. Мухомедов, С. Р. Расулов, М. Т. Турсунов ўртоқлар, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари А. С. Абдали, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари Т. Н. Осетров, республика Министрлар Совети Раисининг ўринбосарлари Г. А. Габриелъян, С. К. Зиёдуллаев, И. В. Марцинюк, А. Р. Хужаев, Қизил байроқли Туркистон ҳарбий округи қўшинлари қўмондониди генерал-полковник С. Е. Беломоножко, ҳарбий кенгаш аъзоси — ҳарбий округ сийбон бошқармасининг бошлиғи генерал-лейтенант А. В. Дебалюк, Ўзбекистон Касаба Союзлари Советининг раиси М. А. Зондов, Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг биринчи секретари Р. Х. Абдуллаев, Тошкент шаҳар ижроия комитетининг раиси Х. А. Асомов ўртоқлар, Тошкент партия ва совет ташкилотларининг раҳбарлари, Ўзбекистон пойтахти жамоатчилиги намояндалари кутиб олдилар.

Ўзбекистоннинг донгдор меҳнаткашлари, Социалистик Меҳнат Қаҳрамонларининг бир гуруҳи ўртоқ Л. И. Брежневга нон-туз солиingan дастурхон, болалар эса гуллар тақдим этишди.

Ўртоқ Л. И. Брежнев Ўзбекистон пойтахтига келгандан кейин сал ўтмай В. П. Чкалов номидаги Тошкент авиация заводи билан учрашди. Бу ерда у корхонанинг механика ва йиғув цехларини кўздан кечириди, ишчилар ва инженер-техник ходимлар билан суҳбатлашди, уларнинг меҳнат ва турмуш шароитлари билан қизиқди.

Тошкент самолётсозлари ўртоқ Л. И. Брежневни самими

туш, совет халқининг социалистик Ватан эканлигини ҳамда мудоаа қудратини янада кучайтириш йўлида олиб бораётган курашга қўшаётган хиссалари тўғрисида гапирдилар. Корхона ходимлари ўз ишлари тўғрисида гапириб, завод кейинги йилларда партия кўрсатмаларини амалга ошириб, техника тарққети суъратларини жадаллаштириш учун кўп иш қилганлигини айтидилар. Програма билан бошқариладиган станоклар ва бошқа техника янгиликларининг заводида кенг қўламда жорий этилаётганлиги бунинг равшан далилидир.

Шундан кейин ўртоқ Л. И. Брежнев Ўзбекистон пойтахти, унинг янги қириқлари билан танишди. Тошкент табиий офатга дуч келган пайтадаги нисбатан хозирги вақтда ўз қиёфасини тамомилан ўзгартирди. Ўртоқ Л. И. Брежнев ва у билан бирга республика пойтахтига келган ўртоқ А. Н. Косигин ўша вақтда Тошкентда жуда кўп вайрон бўлган биноларни кўрган эдилар. Эндиликда шаҳарнинг ҳамма жойида ўзининг архитектура безаклари билан кишиларни қувонтирадиган янги кварталлар қад кўтарган.

КПСС Марказий Комитети ва Совет ҳукуматининг катта ёрдами, барча қардош иттифоддош республикаларнинг атти қўмаги билан Ўзбекистон пойтахти зилзила оқибатларининг қисқа вақтда батамом тугатди. Уч ярим миллион квадрат метрдан кўпроқ ҳажмда уй-жой бинолари қурилди. Шундан 1 миллион 200 миң квадрат метри мамлакатимизнинг турли шаҳарларидан келган бинокорлар қўли билан бунёд қилинди. Аслини олганда бутун Тошкент янгидан қад кўтармоқда. Шаҳарнинг қиёфаси ҳақиқатда тамомилан ўзгаришмоқда: эски уйлар ўрнига замонавий, ҳамма қўлайликлари бўлган музтаҳкам бинолар қурилди. Санаят, қурилиш индустрияси, савдо-сотиқ умумий оқватлашиш, маданият-маиший, коммунал хўжалиги, соғлиқни сақлаш муассасаларининг неча юзлаб объектлари барпо этилди.

Ўртоқ Л. И. Брежнев Чилонзор ва шаҳарнинг марказий қисмидаги уй-жой массивида бўлди. Бу ерда Москва, Ленинград вакиллари, Россия Федерацияси, Украина ва бошқа республикаларнинг уюшган қурувчи коллективлари кўркам уй-жой кварталларини барпо этишди. У шаҳарнинг кўп районларида янги Тошкентнинг энг муҳим белгиси бўлиб қолган баланд биноларни кўрди.

Тошкентликлар ўртоқ Л. И. Брежневни самими табриклаб, Ўзбекистон ССРи ва унинг пойтахти Тошкент шаҳрини янада кўрмушда ота-бача таъқури қилаётганлиги учун жонажон Коммунистик партия Марказий Комитетига ва Совет ҳукуматига самими ташаккур изҳор қилдилар.

Ўртоқ Л. И. Брежнев В. И. Ленин номидаги майдонда янги архитектура ансамблини гоат қилиб кўриб чиқди. Революция доҳийси Марказий музей филиалининг биноси бу ансамблнинг тарққиб қисмидир. Шаҳар қириқли соҳасидаги техниканинг энг янги ютуқлари миллий меъморчиликнинг энг яхши анъаналари билан узвий равишда қўшилган ана шу бино ўзбек дёбирида Илчиға бағишланган буюк ёдгорлиқдир.

Ўртоқ Л. И. Брежнев музей экспозициясини қараб чиқди. Бу экспозицияларни вужудга келтиришда Тошкент олимлари, рассомлари ва ишчилари билан бирга Совет Иттифокдаги бошқа кўп шаҳарларнинг мутахассислари ҳам қатнашган.

Ўртоқ Л. И. Брежнев Ленин ёдгорлигини кўздан кечирувчи қўрматли томошабилла дафтарига қўйидаги сузларни эздик: «Янги музей биноси гоат гўзал. Ундаги жуда кўп экспонатлар В. И. Лениннинг ҳаёти ва фаолиятини, унинг Шарқ халқлари ҳаёти ва революцион курашига доир зўр эътибор билан қараганлигини акс эттирди. Бу музей улғу доҳий турган кўннинг юз йиллик муносабати билан тошкентликларга аталган аjoyиб совғадир. Музейнинг ишчи Ўзбекистон меҳнаткашларининг Ленин меҳнатини чуқурроқ ўрганишга ёрдам берадигани аниқланди. Шаҳар кўздан кечириб чиқилгандан кейин Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи секретари ўртоқ С. Р. Расулов Тошкентнинг миннатдор меҳнаткашлари номидаги «Тошкент — қардошлик шаҳри» альбомини КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневга эс-далик учун тақдим этди. Бу альбомда Ўзбекистон пойтахтида зилзила оқибатларини тугатиш соҳасида қилинган жуда катта ишлар, барча иттифоддош республикаларнинг Тошкентга қардошларча самими кўрсатган ёрдамида ўз ифодасини топан ленинча халқлар дўстлигининг аjoyиб самаралари акс эттирилган. (ЎЗАТАМ).

ЎРТОҚ Л. И. БРЕЖНЕВНИНГ ҚИРҒИЗИСТОНДА БЎЛИШИ

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев 3 сентябрдан 7 сентябргача Қирғизистонда бўлди.

Ўртоқ Л. И. Брежнев Қирғизистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ Т. Усубалиев, Қирғизистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Т. Қулатов, Қирғизистон ССР Министрлар Советининг Раиси ўртоқ А. С. Суямобоев, бошқа масъул партия ходимлари ва республикадаги бир қанча министриликлар ҳамда идораларнинг вакиллари билан биргаликда халқ хўжалиги ютуқлари республика — выставкасини бориб кўрди. Ўртоқ Л. И. Брежнев машинасозлик, енгил санаят, қишлоқ хўжалик павильонлари ва выставкадаги бошқа бўлимларнинг экспозицияси билан танишди.

Республиканинг Қант райони меҳнаткашлари КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневни зўр шодлик ва самимиет билан кутиб олдилар. Ўртоқ Л. И. Брежнев бу районда «Союзсельхозтехника»нинг Қирғизистон машинасинаш станциясида бўлди. Станция директори, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони ўртоқ Д. П. Зубков станция ва унинг тақриба хўжалиги коллективининг иши тўғрисида ўртоқ Л. И. Брежневга, республика Компартияси ва ҳукуматининг раҳбарларига сўзлаб берди. Не-ча ўнлаб қишлоқ хўжалик машиналарини кўрлаб ишлаб чиқаришга киришадиган олдин бу машиналар ана шу тақриба хўжалиги базасида сынаб, текшириб қўйилди.

Ўртоқ Л. И. Брежнев тақриба хўжалиги даладаридан берида қанд лавлагининг машинада йиғиштириб олиниши билан танишиб чиқди. Бу ерда қанд лавлаги йиғиштириб оладиган «КСТ-2А» комбайни синодан ўтказилмоқда. Ўртоқ Л. И. Брежнев битаминли пичан талқон ишлаб чиқарадиган ва қишлоқ хўжалигига катта фойда келтирадиган цехни, янги терг башияларини, чорвачилик фермаларини кўздан кечириди. Пичан ўрнида ишлатиладиган бедани машинада йиғиштириб олиш ва гарам қилиш жуда катта қизиқиш тугдирди. Бу иш машиналар комплекси — ўроқ машинаси, пашахалар, пресс-подборщик ва гарам қилувчи машиналар ёрдамида бажаришмоқда.

Ўртоқ Л. И. Брежнев ва республика раҳбарлари М. В. Фрунзе номли қишлоқ хўжалик машинасозлиги заводини бориб кўрдилар. Бу корхона пресс-подборщиклар ишлаб чиқармоқда. КПСС Марказий Комитетининг июль Пленуми олдинда қўйган вазифалар муносабати билан ана шу пресс-подборщикларга талаб айниқса ортди бормоқда.

Ўртоқ Брежнев йиғув цехи ва темирчилик-пресс цехларида завод ишчилари билан самими суҳбатлашди. Ўртоқ Л. И. Брежнев ишлаб чиқаришни кенгайтириш, пресс-подборщикларни кўпроқ ишлаб чиқариш ва уларнинг конструкциясини яхшилаш имкониятлари билан қизиқди.

Ўртоқ Л. И. Брежнев Иссиқкўл районига бориб, бу ердаги ишфохоналар билан, меҳнаткашларнинг дам олиши қандай уюштирилганлиги билан танишди. Иссиқкўл районидан партия ва хўжалик актив вакиллари билан, Ўрта

Осиё ҳарбий округининг жангчилари билан суҳбатлашди.

7 сентябрда Фрунзе шаҳрида Қирғизистон республика партия активининг йиғилиши бўлди. Йиғилиш қатнашчилари Қирғизистон меҳнаткашлари беш йилликнинг якуновчи йили бўлган 1970 йилда олган социалистик мажбуриятларини қандай бажарётганликлари тўғрисидаги масалани муҳокама қилдилар. Қирғизистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ Т. Усубалиев республика санаяти, қишлоқ хўжалиги ходимларининг давлат тошхирларининг муваффақиятлари бажариш учун, КПСС Марказий Комитети декабрь (1969 йил) ва июль Пленумларининг қарорларини амалга ошириш учун курашда кўрсатган ижодий ташаббуси ва зўр ғайрат билан қилаётган меҳнати ҳақида сўзлаб берди. Ўртоқ Т. Усубалиев Қирғизистон меҳнаткашлари КПСС XXIV съездини муносиб кутиб олиш учун, беш йиллик плавни 1970 йил 7 ноябргача бажариш учун мусобақани кенг авк олдирилганлигини айтди.

Ўртоқ Т. Усубалиев республикада дон, пахта, сабзавот ва мева ҳосилини йиғиштириб олиш қандай бораётганлиги, чорвачилик маҳсулдорлигини ошириш ҳамда бу ишдаги маъжуд камчиликларни бартараф қилиш масаласида кўрилатган чораларга сўзлаб берди. У йиғилишда қатнашчиларининг қар-саклари билан бир неча бор бўлиниб турди.

Ўртоқ Л. И. Брежнев сўзининг охирида Совет Иттифокининг халқро аҳоли ва таққи снесигага доир масалаларга батафсил сўзлаб берди. КПСС Марказий Комитети Бош секретарининг нути зўр эътибор билан тингладил, йиғилиш қатнашчиларининг қар-саклари билан бир неча бор бўлиниб турди.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев Қирғизистондан жўнаб кетди.

Фрунзе шаҳри аэродромида ўртоқ Л. И. Брежневни Қирғизистон Компартияси Марказий Комитети, Қирғизистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Советининг раҳбарлари қузаиб қолдилар. (ТАСС).

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА

7 сентябрда КПСС Марказий Комитетиде трактор ва қишлоқ хўжалик машинасозлиги министрлигига қарашли комбайн заводларининг директорлари, бош конструкторлари ва партия комитетларининг секретарлари билан учрашув ўтказилди. Учрашув қатнашчилари КПСС Марказий Комитетининг Раисининг ўринбосари В. Н. Носков, СССР Министрлар Советининг Раисининг ўринбосари — Госплан раиси Н. К. Байбаков, Ростдон, Маханжур, лавлаги, силослов экиндиларини, картошнани йиғиштириб оладиган янги, тагин ҳам уқуқли ишлайдиган комбайнларини ва бошқа комбайнларини ишлаб чиқаришни тезроқ уюштириш, ўрмишнинг машиналарини кўпроқ ишлаб чиқариш, уларнинг сифатини яхшилаш ва узоқ вақт ишлатиш таъминлаш, уларга керакли за-ас қисмлар ишлаб чиқаришни рижлаштириш ҳусусидаги қарорларини амалга ошириш тадбирлари юзасидан фикрлашиб олдилар. Суҳбатда КПСС Марказий Комитети Сийбон бюросининг аъзолари, Марказий Комитет секретари, А. П. Кирилленко, КПСС Марказий Комитетининг секретари Ф. Д. Кулатов, СССР Министрлар Советининг Раисининг ўринбосари В. Н. Носков, СССР Министрлар Советининг Раисининг ўринбосари — Госплан раиси Н. К. Байбаков, Ростдон, Рязань область партия комитетларининг биринчи секретарлари И. А. Болдаренко, Н. С. При-ежков, КПСС Марказий Комитетининг бўлим мудири В. С. Фролов, ва И. Н. Дмитриев, СССРнинг бир қанча министрлари, КПСС Марказий Комитети, СССР Госплани, СССР Госнаб ва бошқа идораларининг масъул ходимлари қатнашдилар.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

**В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ
УНИВЕРСИТЕТИНИ МЕХНАТ ҚИЗИЛ БАЙРОҚ
ОРДЕНИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА**

Олий таълимин, фан, маданиятни ривожлантириш ва юксак малакали мутахассислар тайёрлаш соҳасидаги катта хизматлари учун В. И. Ленин номидаги Тошкент Давлат университетини Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан мукофотлансин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси **Н. ПОДГОРНИЙ.**

СССР Олий Совети Президиумининг Секретари **М. ГЕОРГАДЗЕ.**

Москва, Кремль.
1970 йил 4 сентябрь.

**4.100.000
ТОННА УЧУН**

Республика об-ласта-рида пахта тайёрлаш ва дефолациянинг бориши тўғрисида 1970 йил 7 сентябрда бўлган

МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида)

Областлар	Бир кунда туқилган пахта	Мавсум бўлиб қолган пахта	Шу кун-лавлан мавсумда терилган пахта	Дефолация қилинган чилдан чақдон (центр ҳисобида)	Планнинг бажарилиш проценти
Бухоро	2,57	17,19	2,20	40148	36,5
Қашқадарё	2,02	8,76	0,60	21481	41,3
Сурхондарё	1,04	4,84	0,05	18688	20,8
Фарғона	0,80	2,32	—	—	—
Хоразм	0,73	2,26	—	8197	16,4
ҚА АССР	0,58	1,87	—	3949	3,9
Андижон	0,69	1,80	—	1647	1,7
Наманган	0,24	0,80	—	2008	3,0
Сирдарё	0,06	0,21	—	31001	14,5
Тошкент	0,11	0,18	—	35817	25,6
Самарқанд	0,08	0,08	—	596	0,6
Республика бўйича:	0,75	3,35	0,18	163332	14,3
Шу жумладан илгичча толали пахта:					
Сурхондарё	1,63	8,06	—	—	—
Қашқадарё	1,41	3,92	—	—	—
Бухоро	0,60	2,84	—	—	—
Республика бўйича	1,38	6,15	—	—	—

ТОШКЕНТ ЖАМОЛИ

ЮБИЛЕЙ ЙИЛИ СОВҒАЛАРИ

Ҳамма ерда КПСС XXIV съездини меҳнат совғалари билан кутиб олиш ҳаракати қизиб кетди. Ишчилар, деҳқонлар, бинокорлар мусобақалашиб ишлашди. Мухбиримиз Тошкент қурилиш, бош бошқармаси бошлиғи В. Н. Маркинга мурожаат этиб, бинокорларнинг съезд олдиди ишлари ҳақида сўзлаб беришни илтимос қилди.

1970 йил беш йилликнинг якуновчи йили. Шунинг узеиқ кишининг зиммасига катта масъулият юклайди. Тошкент қурувчилари йил бошиданок бу масъулиятни ҳис қилган ҳолда ишга киришдилар. Ярим йиллик план ортиси билан бажаришганлиги буни кўрсатиб турибди. Олти ойда пландаги 104,5 миллион сўм ўрнига 112,8 миллион сўмлик иш қилинди. Ёки бинокорлик нилари плани 107,9 процент бажарилиди. Етти ойлик план аса 105,6 процент қилиб ўриланди. Саккиз ойлик план ҳам муваффақиятли адо этилди.

Қилинган ишнинг қўламини тўла ҳис қилиш учун қуриладиган рақамларни айтиш ўрилли булар. Саккиз ой мобайнида тикланган уй-жой саҳни салкам 400 минг квадрат метр бўлди. Бу икки хоналикка айланган ҳисоблаганда деярли 10 минг квартира деган гап. Бундан ташқари жаъми 750-кишга мўлжалланган поликлиника, 220 ўрилли касалхоналар, 2010 ўрилли болалар муассасалари қурилиб фойдаланишга топширилади. Шунингдек, Тошкент трактор заводи, Ялангоҳ посёлкалари, Октябрь массиви, Чилонзорда бешта янги мактаб ўқувчилар ихтиёрига берилди.

Съезд олдиди социалистик мусобақасида Т. Набиев бошлиқ бўлган 159, Н. Килибеев бошлиқ бўлган 153, Л. Пикман бошлиқ 3-қурилиш трестлари пешқадамлик қилмоқда. Ҳар учала трест саккиз ойлик плани 105-110 процентдан бажариди. Уй-жой қурилиш планини бажаришда бу трестлар айниқса намуна кўрсатмоқда. 153-қурилиш трести юбилей йилида энг кўп уй-жойни фойдаланишга топширди.

Тошкент бинокорлари учинчи квартални дуруст якунлашди. Қўлаб йирин объектлар битиш олдиди турибди. Сентябрь ойида Тошкент Давлат университети 13 қаватли бош корпуси, «Юлдуз» фирмаси биноси, Қўйлик массивида 1280 ўқувчи мўлжалланган, Кармелюк-Олесская қўчасида 960, Чилонзорда 1496 ўқувчи мўлжалланган мактаблар фойдаланишга топширилади. Қорақамиш массивида жами 184 квартирали 4 та, Тошкент трактор заводи посёлкасида 160 квартирали икки та, Қўйлик массивида жами 208 квартирали 5 та, Чилонзорда 136 квартирали 2 та уй-жой бинолари. Фаилар академияси учун 2289 квадрат метр ҳажмдаги уй-жой, Шота Руставели кўчасида аса 411 ўрилли ётоқхона фойдаланишга топширилади.

Бинокорларимизнинг бутун диққат-этибори ҳозир йиллик планини муддатидан олдин бажариш, кўпроқ уй-жой қуриб Тошкент аҳолисини хурсанд этишга қаратилган.

Қалб сатрлари
Қардош ўзбек халқига!
Сизларни грузин меҳнатнашлари номидан сеvimли пойтахтнинг Тошкентнинг қайта тиклангани билан чин юракдан таъриқлаймиз. Ана шу улкан ишни бажаришда бошқа қардош республика меҳнатнашлари қатори Грузия бинокорларининг ҳам ҳиссаси борлиги билан фахрланамиз.

ҚАЛБ САТРЛАРИ

Қардош ўзбек халқига!

Сизларни грузин меҳнатнашлари номидан сеvimли пойтахтнинг Тошкентнинг қайта тиклангани билан чин юракдан таъриқлаймиз. Ана шу улкан ишни бажаришда бошқа қардош республика меҳнатнашлари қатори Грузия бинокорларининг ҳам ҳиссаси борлиги билан фахрланамиз.

Ш. МОДЕБАДЗЕ,
Тошкентда ишлаган Грузия қурувчилари бригада бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони.

ШАҲРИМИЗНИНГ БУГУНИ ВА ЭРТАСИ

Я Н Г И ЛОЙИҲАЛАР

Серкўе республикамизнинг пойтахти кун сайин, ой сайин жамол очаяпти. Янги-янги шаҳарчалар, маҳаллалар барпо этилапти. Ириқ маъмурий ва маданий-маиший иморатлар қуриляпти. Шаҳримиз қиёфасини ўзгартиришда лойиҳачи инженер-техникларимизнинг муносиб ҳиссаси бор. Улар туну-кун ижодий изланишда, янги-янги лойиҳалар яратиб устида қизғин иш олиб боришляпти. «Таштнпрогор» лойиҳалаш институти асосида «Таштнплан», «Таш-проект» лойиҳалаш институтлари ташкил этилди. Бундан ташқари яқинда Ўзбекистон Маҳаллий саноат министрлиги қoшнда маҳаллий саноат корхоналарини лойиҳаловчи Ўзбекистон Давлат лойиҳалаш институтига асос солинди.

Институтнинг ижодкорлари бир қанча йирин объектлар лойиҳасини ишлаб чиқдилар. Шулардан бири улкан «Осиё» ресторани биносидир.

Тошкент лойиҳачилари шу кунда москвалик архитекторлар билан ҳамкорликда шаҳримизнинг Шайхонтоҳур даҳасида бунёд этиладиган ижодий союзлар уйи, «Ўзбекистон» ҳамда «9 январь» кўчалари туташган ерда қуриладиган Фан уйи бинолари лойиҳалари устида ишламоқдалар.

Д. РАҲМОНОВ,
бинокор-инженер.

ПОЙТАХТ БУНЁДКОРЛАРИ

ЛАВҲА

Ҳаётнинг кун чиқарида тикланаётган катта цирк қурилиш масаласида замири «Волга» келиб тухтади. Баланд бўйли, сочлари тузғиб кенг пешонасига тушган, кўлча юз йигит машинадан тушиб, монтажчилар томон шошилади. Ҳаста бошлиғи илгари келишиб қўйгандек, лойиҳа ва тегишли ҳужжатларини олиб унга пешвоз чиқди.

— Томоша залининг чизмаси ҳам борми?

— Ҳа, бор! — деди участка бошлиғи, омонатгина ўратилган столда қўғозларни ёр экан. — Залдаги ишлар жойида. Ҳамма гап, маил бу ён деворларнинг чизма бўйича мос келмаётганда, металл конструкциялар монтажини уч соғдан буён тухтаб турибди. Бунинг устига қўшимча таъин устуларига арасура ишчилар ҳам бажарилиши лозим.

— Бирор ерда ишлаб чингувдай бўлса, уни аниқлаш учун аввало ён-вериди объектлар билан бирга ўрганиш керак.

Қурилиш бошқармасининг бош инженери Қудрат Маҳмадалиев масалани атрофича, ҳатт қилган, участка бошлиғига тегишли топириқлар берди-да, ўзи штаб хонасига кирди. «Буни Ма-рат билан ҳам бир ўртоқлашиб боний-чи» дедида дўсти ва ҳамкасби — 69-қурилиш бошқармасининг бош инженери Марат Абдуллаевга қўнғироқ қилди. Бу икки дўст доим ҳар бир масала ҳу-сусида бамаслаҳат иш қиришади.

Марат Қудратдди, Қудрат аса ўз навабатида дўсти Маратдан маънавий мадад олиб туришади. Марат кўп ўтмай цирк қурилиш майдонига ҳозир бўлди.

— Лаббай, Тошкент қурувчиси! Ҳизмат! — деди Марат ҳазил-мутойиба билан.

— Томоша зали ён деворларининг тушуми лойиҳага мос келмапти. Чизмага ўзгартиш кирит-сай ёки қайта тузиб чиқасан, биричидан, иш узоққа қўзғалади, ишончидан қимматга тушади. Бу муаммони очкича сизнинг ҳам фикрингизни билмоқчи бўлидим.

Конструкцияларнинг қаерда йиринлар, — сўради Марат.

— Деворнинг ўзида.

— Балли, шаҳар қурувчиси! Ленин музейи қурилишида ўзингиз киритган рационализаторлик таълифини унутмагандирсиз? Ҳанда кўёш нуруни тўсиш вазифасини ўтовчи панжаралар тепада эмас, пастининг ўзида яхлитлаштирилиб монтаж қилинган ёди. Шундай қилишда панжараларни ўратиб...

га натадиган вақт 50 процент қис-қарган ёди. Юмуш қарийб 1000 сўм арзонга тушганди. Менимча, бу ерда ҳам шу йўлни қўласан-гиз, янгилашмайсиз.

Маратнинг маслаҳати Қудратга маъқул тушди. Зал деворлари надр рослаётган объектга пайванд учунлари қандай бошлады. Иш-га кут-барана кирди.

«Яхши ният — ярим мол» деган, боболаримиздан қолган надр бор. Ишон қамиша юксак ва пок ният ораси билан яшаса, курашса, у албатта қўзлаган мақсадига етади. Қудратга институтдан тўғри Свердловскга йўллама беришди. Бунедкорлик касбига меҳри тушган йигит бир неча йил Свердловск, Нижний Тагил, Кушна ва Хабаровск шаҳарларидаги саноат корхоналарини, янги ишлаб чиқариш қурувчиларини ва бошқа иш-шоотларини қуриб фойдаланишга топширишда саноат қўрсатиш ишлади. Тажриба, билим ортир-ди.

Қудратнинг кўпчиликлан ёқадиган ҳислатидан бири — на-таврили ва таъбирдорлигидир. У ҳали ёш. Ёни 28 баҳори қўрган бу меҳнатсевар йигитнинг Тош-кент қурилишида қатнашаётгани-га хали кўп бўлган эмас. У даст-лаб баланд иморатларни қуришга ихтисослашган 11-трестга қараш-ли 69-қурилиш бошқармасида прораб бўлиб ишлади. Республи-камиз пойтахтини Ленин про-спектидаги маъмурий биноларни, савдо маркази иморатини тик-лашда иштирок этди. Бу қури-лишларда у ўндан анёдр рациона-лизаторлик тақлифлари киритди.

Хукуматимиз Тошкентда В. И. Ленин Марказий музейининг фи-лиалини қуриш ҳақида қарор чи-қаргандан сўнг, Қудрат Маҳмад-алиев бу йирин объект қурилиш участкасининг бошлиғи этиб та-йинланди. Яқинда Қудратга яна бир катта ишонч билдиришди. У 11-«Висестрой» трестининг 2-қурилиш бошқармасига бош ин-женер қилиб тайинланди. Бош-қарма бинокорлари барпо этаёт-ган Ҳадрдаги цирк, Йўлдош Охунбобоев майдони ёнидаги ул-кан давлат университети ва бошқа объектларда иш қизғин борапти. Қурилиш топириқлари доимо ор-тиги билан худдаланаяпти.

Мақсадимиз, — дейди Қ. Ма-ҳмадалиев, — партияни XXIV съездида арзғутулик армуғон ҳо-вирлаш, янги Тошкентни барпо этишда муносиб улуш қўшишдир.

Ҳ. ҚОДИРОВ.




Бу суратда: Тошкент зилзиласидан кейин Сергели-Йўлдош шаҳар-чага пойдевор қўйлаётган пайт асқ эттирилган, Таниқли бинокор, Соци-алистик Меҳнат Қаҳрамони Ҳоми ота Қосимов авлодларга қарата битилган мантубни шаҳар пойдеворида қўйляпти.



«Азиз ва меҳмондўст тошкентликлар! Ҳизматингизга тайёризмиз!» Шо-да-шода гулдасталар билан кутиб олинган қардош республикалардан кел-ган бинокорлар ана шундай азим-қарор билан ишга киришдилар.



«Харьков — Тошкентга» деб ёзилган қурилиш, монтаж поезди Тош-кентга катта қувонч ва шодлик олиб келди. Харьковликлар ҳамшаҳар-ларимизга биринчилар қатори ёрдам қўлини узатдилар.



Тошкент вокзалига ҳар кун и эшелон-эшелон қурилиш материаллари келиб турди. Таърифига қиёс йўқ дўстлик неъматини бу.

Н. Глауберзон ва В. Сироткин фотолари.



Суратда: Тошкентдаги трактор заводининг Янгув цехи бош мастери Абдусаттор Абдуллаевни қуриб турибсиз. У ташкилотчилиги, зиммасидаги ишни ўринлиги бажариши билан кўпчилиқ хурматини қозонган.

Шу кунларда Тошкент ки-шлоқ хўжалиқ машинасозлиги заводида кирсанга ҳамма-нинг гайрат билан ишлаётганини гу-воҳ бўласиз. Корхона коллекти-ви беш йиллик плани 15 де-набргача бажаришга аҳд қил-ган. Ишчиларнинг қўли-қўлига тегмайди. Ҳар кун қолхоз-совхозларга янги терим агрегат-лари юнатишмоқда.

Биз заводнинг 15-механика-йиғув дехида кирдик. Цех би-носи деворларига машинасоз-ларини янги меҳнат ютуқларига қўзғатиш шорлар осилган. Ёни қўлга қуринарлик яқинда меха-ника-йиғув цехи коллективнинг беш йилликнинг якуновчи йи-ли учун социалистик мажбурия-ти ёзилган алвон турибди. Улар планга қўшимча 100 мингта шпиндель етказиб беришга аҳд қилишган. Пахта терими даври-

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ НЮЛЬ ПЛЕНУ- МИ ҚАРОРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРАМИЗ

да шпинделларни вақтида ал-лаштириб турин терим агрегат-ларининг иш унуми юқори бўлишини таъминлайди.

Цехда съезд шарафига соци-алистик мусобақа киёгин давом этмоқда. С. Қосимов бошлиқ еменё айнайсиз юқори кўрсат-кичларга ёришайтир. Бу еме-на ҳар кун 3 минг 700 ўригча 4500-5000 донга шпиндель тайёрлаляпти. Презерчилардан О. Карпова, токар Ю. Степа-ненко, слесарь-ремонтчи П. Лю-барь ва Владимир Шунинлар ишда ҳаммага ибрат кўрсатмоқ-далар.

Корхонанинг бошқа цехлари-да ҳам иш сурьтати юқори. Кор-хона саккиз ойлик иш топ-ширининг ортиси билан бажа-рилишига темирчилик-пресс це-хнинг Б. Идрисқўжаев бошлиқ бўлган бригадаси наби қўллаб-қоллетишлар муносиб ҳисса қўшдилар. Пландан ташқари бир неча ўн минг сўмлик маҳ-сулот тайёрланди. Шу йил-нинг ўзида пахтакор хўжалик-ларга юборилган «зангори ке-ма»лар 4 мингта яқинлашиб қолди.

Пахтакор республикаларда терим агрегатларига бўлган талаб борган сари ортмоқда. Уни кўпроқ ишлаб чиқариш «Ташсельмаш» заводи олдидаги энг масъулиятли вазифа бўлиб қолди. Ўзбекистон Компартия-си Марказий Комитети ва рес-публика Министрлар Совети-нинг пахта терини машиналари-ни ишлаб чиқариши янада қў-лайитириш тўғрисидаги қарори-да ҳам бу масала ифодасини топган. Шу муносабат билан корхона қуввати оширилмоқда.

Турли жойларда заводнинг уч-та филиали қуриляпти. Улар пахта терини техникаси учун ахтиёт қисмлар ишлаб чиқариш-га мўлжалланган. Корхонанинг Чирчиқдаги филиали маҳсулотни ҳозирдаёқ қўланишмоқда.


Заводда пахтакорларнинг та-лаб ва ахтиётларини ҳисобга олиб тақомиллашган, унумли машиналарни ишлаб чиқаришга катта эътибор берилмоқда. Ил-гариги йилларда янги марнада-ги машиналар билан бирга эс-килари ҳам чиқариладир. Бу йил қонвейердан чиқадиган 6

мингта терим агрегатининг ҳам-маси тўрт қаторли «Ўзбекистон» машинаси бўлади. Яқинда янги пахта терин агрегатини ўзлаш-тириш ишлари ҳам бошланиб кетди. Бу «ХН-3.6» маркали терим машинасининг автори заводнинг бош конструктори А. Муравьев. Кейинги йилларда хўжаликларда пахта кенг на-торлаб ҳам экила бошланди. Ян-ги агрегат ана шундай қатор-лардаги пахта терин олишга мослаштирилган. Яна бир эъти-борга сазовор томони бор. Ян-ги агрегатта ишлатиладиган де-


таллар олдинги машиналардаги-дан ортинқ эмас. Аммо, сннов «ХН-3.6» агрегати чидамли ва унумли эканини кўрсатди.

Тошкент кишлоқ хўжалиги машинасозлиги заводи коллекти-ви пахтакорлар учун яхши-роқ хизмат кўрсатишга ҳаракат қилляпти. Ёришган ютуқлар бил-лан наватлашляётгани йўқ. Улар йилдан-йилга кўпроқ маҳ-сулот ишлаб чиқариш, пахта-корлар талабини тўлароқ қон-дириш ҳаракатида. «Зангори кема» ижодкорлари партиямиз Марказий Комитетининг июль Пленумидан кейин илгари ол-ган мажбуриятларига қўшимча яна 125 та машина ишлаб чиқ-аришга азим-қарор қилганликла-ри фикримиз далилидир.

Г. ДЕМИДОВ,
Завод кўп тиражли газета-сининг редактори.



«Бинокорлар, қўлингиз дард кўрмасин!» Яшаш учун барча маданий-маиший шарт-шароитлар яратилган янги уй-жой бно-варига кўчиб ўтаётган ҳамшаҳарларимиз ана шундай демоидлар. Шаҳримиз ҳуснига ҳусин кўчиб турган бу кўп қаватли би-нолар шаҳарчаси — «Мариз-4» деб аталади.



КПСС XXIV съезди шарафига муносиб туҳфа ҳозирлаш учун зиммасига оширилган мажбурият олиб ишлаётган «Юлдуз» ти-кувчилик фирмаси коллективининг қувончи чексиз. Улар яқинда ҳашаматли янги бинога кўчиб ўтишди. Суратда: «Юлдуз» ти-кувчилик фирмасининг янги биноси.

ТЕРИМНИ КОМПЛЕКС МЕХАНИЗАЦИЯЛАШТИРАЙЛИК

МУТАХАССИСЛАР
МАСЛАХАТИ

Маълумки, ҳосил-йиғим-терими пахта етиштириш соҳасида энг кўп меҳнат талаб қиладиган, энг қimmatга тушадиган жараён ҳисобланади. Шу сабабли терим технологияси ва уни ташкил этиш, аynиқса терими механизациялаш даражаси фақат ҳосил йиғим-терими даврида сарфланган меҳнат ва маблағнинг миқдориғига эмас, балки пахтачиликнинг бутун экономикасига каттагина таъсир кўрсатади. Бир гуруҳа ҳўжаликларнинг ўтган йиллардаги тажрибаси шунга кўрсатадики, ҳосилнинг 80 проценти машиналар билан терилганда етиштирилган бир центнер пахтанинг таннарида етиштирилган пахтага бир қисми машиналарда териб олинган қолхоз ва совхозлардаги нисбатан 30 процент арзонроқ тушади.

Ҳамини пахтакорлар олдида ҳосилни ўз вақтида ва ноқуд қилмасдан йиғиб-териб олишнинг иборат энг муҳим вазаифа туради. Қўсқалар оммавий равишда очилган бу йилги шарафда етиштирилган бора ҳосилни жуда қисқа муддатда йиғиб-териб олиш, теримда юксак меҳнат унвдорлиғига эришиш, пахтанинг таннарига камайиб, минимал даражада келишини таъминлаш, давлатга аyло сифати пахта сотиш учун тўла имкониятлар вужудга келди. Буларнинг ҳаммасига маъмул терим техникасида моҳирлик билан фойдаланиш, ҳосил йиғим-терими комплекс механизациялашдан иборат илгор тажрибани кенг жорий этиш йўли билан эришиш мумкин.

Эндиликда республикамизда етиштирилган ҳосилнинг ҳаммасини қўлда териб оладиган ҳўжаликлар деярли бўлмасда, ҳосил йиғим-терими комплекс механизациялаш даражаси кам бўлган ҳўжаликлар ҳануз оз эмас. Бу йил етиштирилган ҳосилни қолхоз ва совхозлардаги бора теримчиларнинг қўлда териб олиши учун қўлда беш ой вақт талаб қилинади. Хар бир теримчи кўп даражада бир-бир ярм гектар майдондаги ҳосилни териб олади. Қўлда терилган бир тонна пахтанинг таннари эса 75-85 сўмини ташкил этади.

Қўнқили қолхоз ва совхозлар ҳўзирги вақтда ҳосил йиғим-теримнинг маъмул бундай технологиясини қўлланишда: асосий майдонларда очилган қўсқаларнинг пахтаси аввал пахта терим машиналарида йиғиб олинган ва сўнг тулпарларда қолган ва ерга тўкилган пахта қўлда терилади. Йиғим-теримнинг бу технологиясини кейинги йилларда республика бўйча ўрта ҳисобда пахта майдонининг қарийб 70 процентида қўлланилмоқда. Пахта терим машиналари меҳнат унвдорлигини кескин оширади ва очилган қўсқалардаги пахта терим таннаригача анча камаятирди.

Шиндидели машиналар билан бир тонна пахта таннари бевосита терим учун кейинги ўй қилда турган-тўри қилинган меҳнат сарфи ўрта ҳисобда 2 киши-соати, бир тонна пахта терим таннари эса 19 сўмини ташкил этади.

Шундай қилиб, очилган қўсқалардаги пахта машиналар билан терилганда меҳнат ва маблағни жуда кўп иқтисод қилишга эришилади. Механик-ҳандошчу бу даража икки қаторли машина билан 30 гектардан қарийб 35 гектарга, «14ХВ-2,4» маркали тўри қаторли машина билан эса 50 гектар майдондаги пахта терим олади.

Бироқ машина теримини қилинган ана шу тежам гўза тулпарларда қолган ва ерга тўкилган пахта кўп билан терим натижасида анча камаяди.

«Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхозда кейинги ўй йилда гўза тулпарларда қолган ва ерга тўкилган бир тонна пахта қўлда терим учун ўрта ҳисобда 325 киши-соати миқдорда меҳнат ва 131 сўм 08 тиын миқдорда маблағ сарфланади. Бунинг натижасида очилган қўсқалардаги пахта машиналар билан терим ва гўза тулпарларда қолган ҳамада ерга тўкилган пахта қўлда терими бирга қўшиб ҳисоблаганда, бир тонна пахта

терим учун қилинган меҳнат сарфи 65-75 киши-соати ва маблағ сарфи тахминан 65-75 сўмга тўғри келди. Бундан кўриниб турибдики, очилган қўсқалардаги пахта машина билан ва гўза тулпарларда қолган ҳамада ерга тўкилган пахта қўп билан терилганда меҳнат сарфи кўп теримдаги нисбатан фақат уч баравар ва теримнинг таннари эса 15 процент камаяди. Аynи вақтда гўза тулпарларда қолган ва ерга тўкилган пахта терим олиш даврида иш ҳатто пахта кўп билан теримдаги нисбатан ҳам тизиллашади, четдан теримчилар келтириш ҳақидаги илтимос билан мурожаат этиш зарурати вужудга келади.

Бинобарин, шиндидели пахта терим машиналаридан энг кўп иқтисодий манфаат кўрган ҳамада фойдаланиш учун гўза тулпарларда қолган ва ерга тўкилган пахта терими ҳам механизациялаш зарур. Бунинг олимларимиз ва конструкторларимиз яратган меҳаник подбортчиқлар ва қўсқали машиналар, ёрдамида муваффақиятли бажариш мумкин. «Ўзбекистон» ва «Чирчиқ» заводалари ана шундай меҳаник подбортчиқлар ва қўсқали машиналарнинг кўп миқдорда тайёрланмоқда. Бир тонна пахта меҳаник подбортчиқ билан теримда 7,7 киши-соати ва 28 сўм 20 тиын маблағ сарфланади. Бахолошиқ, бир тонна пахта кўп билан теримда 325 киши-соати ва 131 сўм 08 тиын маблағ харажат қилинади.

Шундай қилиб, пахта теримини комплекс механизациялаш, яъни кўп меҳнатдан фойдаланиш ҳолда бора ҳосилни машиналар комплекс билан йиғиб-териб олиш меҳнат унвдорлигини юксак бўлишини ва кўп миқдордаги маблағнинг тежаб қилинишини таъминловчи энг самарали усул ҳисобланади. Бу тадбир етиштирилган бора ҳосилни энг қисқа муддатда йиғиб-териб олиш, ҳосил йиғим-теримини четдан теримчилар жалб қилган ҳолда қолхозчилар ва совхоз ишчиларининг кўпи билан октябрь ойининг охирида тугаллаш имконини беради.

Ўрта Осиё машина-синаш станцияси 1963 йилдан буён бора ҳосилни машиналар комплекс — пахта терим, қўсқали юлиш ва меҳаник подбортчиқлар билан йиғиб-териб олиш тажрибасини амалга оширяпти. Бунинг натижасида шундан далолат бермоқдаки, юқорида кўрсатилган машиналар комплекс билан пахта теримда бевосита кўп кучдан умуман фойдаланган ҳолда ҳақиқатда бутун ҳосилни терим олиш мумкин. Шиндидели пахта терим машинаси қатор ораларидан икки марта юриб ўтганда бутун ҳосилнинг тахминан 85 проценти, меҳаник подбортчиқ 10 проценти яқинини ва қўсқали юлиш машинаси эса 5 проценти териб олади.

Ҳосил йиғим-теримнинг янги технологиясини ҳўзининг ўздаб республикамиздаги кўпгина илгор бригадалар ва айрим ҳўжаликлар Запаштериб-Олдилар, Сирдарё районидagi «Малик», Мирзачўлдаги «Самарқанд» совхозлари, Пахтаорол рай-

онидagi «Олга бос», Оққўрғон районидagi Киров, номи, Свердлов номи, «Ленинград» қолхозлари ва бошқа айрим ҳўжаликлар шўлар жумла-сига киради. «Малик» совхози бутун ҳосилни машиналар билан териб олиб, бир тонна пахта терим учун қилинган меҳнат сарфини 22 киши-соатга камаятирдики, бу кўп теримдаги нисбатан қарийб 10 баравар оздир. Бу ажойиб тажриба бу йил кенг омаллаштирилиши лозим. Қўрққирғон районининг меҳнаткашлари бу йил 25 минг гектар, Оққўрғон районининг меҳнаткашлари 20 минг гектар майдонда етиштирилган пахта ҳосилининг ҳаммасини кўп меҳнатдан фойдаланмаган ҳолда териб олишга қарор қилдилар. Умуман республика бўйча эса теримнинг янги технологиясини камиди 430 минг гектар майдондаги ҳосилни йиғиб-териб олишда қўлланилиши керак.

Ҳосил йиғим-терим янги технологиясини қўлланишда муваффақиятга эришиш учун пахта даладарини бегона ўтлардан яхшилаб тозалаш, дефолиациядан ташқари биринчи машина теримдан кейин кўп қўсқалар қолган майдонларда дефляция ўтказиш (гўза тулпарини томири билан қуритиш) талаб этилади.

Агар дефолиация шиндидели пахта терим машиналари учун кенг иш фронти очиб берса, дефляция қўсқали юлиш машиналаридан кенг миқдорда фойдаланиш имкониятини вужудга келтиради. Дефляция маъни хўрлатишдан фойдаланган ҳолда дефляция ва бир гектар ерга 20-25 килограмм препарат сарфланади. Маъни хўрлатиш қўсқаларининг бутун кўп қисмини ўлдирди, ундаги маъна тезда йўқолади, қўсқаларда чок ҳосил бўлади ва улар очилади. Шу тўғрйли шиндидели машиналар билан иккинчи теримда йиғиб олинган пахта теримини миқдори кўпайди ва иккинчи машина теримини тугаллаш, башқарув қўсқали юлиш машиналарини дарҳол ишга тушириш мумкин бўлади.

Қишлоқ ҳўжалигини механизациялаш ва электрлаштириш Ўрта Осиё институтининг маълумотларига қараганда, «Пахтаорол» совхозда дефляция ўтказилганда иккинчи машина теримда пахта терим салмоғи 1,5 марта кўпайган. Аynи вақтда, дефляция ўтказилмаган майдонлардан иккинчи машина теримда йиғиб олинган пахта учинчи ва тўртинчи сортларга қабул қилинган. Дефляция ўтказилган майдонлардан иккинчи машина теримда йиғиб олинган пахта терим эса биринчи сорта қабул қилинган. Бундан кўрилган фойда дефляция қилиш учун сарфланган харажатларнинг ўрнини ана ошириб қолган. Бир гектар майдонда дефляция ўтказиш учун қарийб олти сўм сарфланади.

Фан ва илгор тажриба шунинг тасдиқладики, пахта йиғим-теримини комплекс механизациялашдаги технология ишларни кўнйдаги навбат билан амалга ошириш мақсадга мувофиқдир.

шўдгорлашнинг бошланг ва 1971 йил ҳосили учун бошқа тадбирларни амалга ошириш мўлжалланмоқда.

«Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхози пахта теримини комплекс механизациялаш учун қўлланиладиган машиналар системасида меҳаник подбортчиқларнинг муҳим роли ўнвдорлиги ҳисобга олиб, ерга тўкилган пахта меҳаниклар билан териб олишда ишлайдиган тракторчиларнинг иш ҳақи пахта терим машиналарининг меҳаник хайдовчиларига тўланган иш ҳақи билан баравар бўлишини назарда тутган ҳақ тўлаш ва мукофотлаш системасини ишлаб чиқди.

Ҳосил йиғим-теримини комплекс механизациялаш — пахтачиликда техника таваққийти эришган энг катта муваффақиятлар. Бу технология пахта етиштиришда янги имкониятлар очиб беради ва муҳим социал, иқтисодий аҳамиятга эга, Чўнки, у қолхозчилар ва совхозларнинг ишчиларини оғир кўп меҳнатдан ҳалос қилиш имконини вужудга келтиради.

Янги технологияни қўлланиш хар бир қолхоз ва совхоз учун фойдалидир. Чўнки, у етиштирилган пахтанинг таннарини кескин камаятириш, ҳўжаликларнинг рентабеллиги даражасини ошириш имконини беради. Бунга бутун ҳосилни йиғиб-териб олишни октябрь ойининг охирида тугаллаш, шу тариқа пахта терим сифатини ошириш, шўдгорлашнинг бошланг юбориш ва келгуси йил ҳосили учун бошқа қўзғи ишларни эрта мўд-датларда амалга ошириш имконияти вужудга келиши билан боғлиқ бўлган нафлар киради.

Бевосита пахта теримини кўп меҳнатдан фойдаланмасдан, бутун ҳосилни машиналар билан йиғиб-териб олиш катта давлат аҳамиятга эга мо-лик бўлган ишдир. Бу прогрессив технологияни дадил жорий қилиш — партия, совет, қишлоқ ҳўжалик органолининг, «Сельхозтехника» ҳодимларининг, қолхоз ва совхозлар раҳбарлари ҳамда мутахассисларнинг энг муҳим вазаифасидир. Улар борада янгиликни, илгор нарсаларни ишлаб чиқаришга қўйиш билан жорий қилишга даъват этилганлар. Шўнга эришмоқ зарурки, бу технология маънавий ва моддий жиҳатдан хар тарафлама рағбатлантирилсин, ҳўжаликлар ва меҳнатчиларнинг социалистик мусобақасини ташкил этганда у ҳисобга олинсин.

Бу йил ҳосилни машиналар билан терим учун жуда қўлай шарт-шароитлар вужудга келди ва партиянинг XXIV съездининг мўносиб кўтиб олиш учун интилаётган шўли механизаторларимиз меҳнатда қаҳрамонлик намуналарини кўрсатишлариға, Ўзбекистонимиз пахтасининг қамиди икки миллион тоннасини машиналар билан териб беришлариға шўк-шўбҳа йўқ.

Т. ЗИНИН — Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети қишлоқ ҳўжалик бўлимининг мўдир, У. ИСОМОНОВ — Ўзбекистон ССР Министрлар Совети қишлоқ ҳўжалик бўлимининг мўдир, Н. ФЕРИТ — «Ўзсельхозтехника» республика бирлашмаси раиснинг ўринбосари, В. ГОРН — Ўзбекистон ССР қишлоқ ҳўжалик министрининг ўринбосари, З. МАҚСУМОВ — Ленин орденли «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхозининг директори, А. ҚўНДУЗОВ — Меҳнат Қизил Байроқ орденли қишлоқ ҳўжалигини механизациялаш ва электрлаштириш Ўрта Осиё илмий-тадқиқот институт директорининг ўринбосари, З. ХОЛМАТОВ — Мирзачўлнинг қўрққирғон ерларида ташкил этилган «Самарқанд» совхозининг директори, Н. ШАРИПОВ — Ўрта Осиё машина синаш станциясининг бош ўнвдор, М. КРАСИЛЬНИКОВ — «Малик» совхозининг директори.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

Оқунбобоев номидаги республика медицина билим юрти ва Самарқанд медицина билим юртини, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлаш тўғрисида

Ўрта медицина ходимлари тайёрлаш соҳасидаги хизматлари учун ҳамда ташкил топган юртига элдин ила тўлиқ мўносабати билан Оқунбобоев номидаги республика медицина билим юрти ва Самарқанд медицина билим юрти, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиқлари билан мукофотлашсин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари А. АБДУЛЛИН.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Р. САХИБОВЕВ.

1970 йил 7 сентябрь
Тошкент шаҳри.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

З. С. Мустафинага ва А. Солиевга «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган ўқитувчи» фахрий унвони бериш тўғрисида

Республика мактаблари учун педагог кадрлар тайёрлаш ва уларни коммунистик руҳда тарбиялаш соҳасидаги хизматлари учун А. С. Мустафина номидаги Самарқанд физик-математика техникумининг ўқитувчилари Зифа Сирайиевна Мустафинага ва Азиз Солиевга «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган ўқитувчи» фахрий унвони беришсин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари А. АБДУЛЛИН.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Р. САХИБОВЕВ.

1970 йил 7 сентябрь
Тошкент шаҳри.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

С. УЗОҚОВАга «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган маданият ходими» унвони бериш тўғрисида

Мехнатининг коммунистик руҳда тарбиялашда аyни қатнашганидаги учун ҳамда матбуотда узоқ йиллар ишлаганилиги учун «Коммуна» ва «Ферганская правда» област газеталари нашриятининг директори С. Узоқовага «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган маданият ходими» фахрий унвони беришсин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари А. АБДУЛЛИН.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Р. САХИБОВЕВ.

1970 йил 7 сентябрь
Тошкент шаҳри.

АНДИЖОН районидagi Алишер Навоий номи қолхоз қишлоғидagi ўн йиллик мактаб-ини таомлаган йигит ва қизлардан 12 киши ўз қолхозларида қўлиб ишлашга қарор қилишди. Улар пахтачилик бригадаларида, қорвачилик фермасида ишлаш ва механизаторлик курсида ўқиш истagini билдиришди. Ҳафиза Усмонова ва Манзур Кўчқорова ҳўзир ситир соғувчилар қаторида меҳнат қилиш япти. Уларга 15 бошдан-ситир биркичиб қўйилган. Ҳафиза ва Манзур ана шу ситирлардан хар кўни 110-115 литрдан сўт соғиб олиш-япти. Суратда: тажрибали ситир соғувчи КПСС аъзоси Тўхтахан Туташева (ўртада) ўз шогирдлари Ҳафиза Усмонова ва Манзур Кўчқоровалар билан ферма ҳовлисида.

Р. АХМДОВ ФОТОСИ.

«ОҚ ОЛТИН» ХИРМОНИГА

Ўзбекистон ССР районларида пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисида 1970 йил 7 сентябрьга бўлган

МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобиди)

Районлар	Маъму бошдан буён тайёрланган пахта	Шў жузлашган машинада терилган пахта	Хўжайли	2,81
Амударё	—	—	Амударё	2,70
Шуманай	—	—	Шуманай	—
Қўнқирот	—	—	Қўнқирот	—
Нунус	—	—	Нунус	—
Негайли	—	—	Негайли	—
Чимбой	—	—	Чимбой	—
Тахтакўпир	—	—	Тахтакўпир	—
АНДИЖОН ОБЛАСТИ				
Андижон	3,50	—	Андижон	3,50
Бўё	3,48	—	Бўё	3,48
Балиқчи	3,24	—	Балиқчи	3,24
Ленин	2,51	—	Ленин	2,51
Избоскан	1,33	—	Избоскан	1,33
Москва	1,19	—	Москва	1,19
Хўжабод	0,35	—	Хўжабод	0,35
Қўрғонтепа	0,03	—	Қўрғонтепа	0,03
НАМАНГАН ОБЛАСТИ				
Поп	1,64	—	Поп	1,64
Учқўрғон	1,39	—	Учқўрғон	1,39
Наманган	1,16	—	Наманган	1,16
Уччи	0,53	—	Уччи	0,53
Янгиқўрғон	0,15	—	Янгиқўрғон	0,15
Задара	0,10	—	Задара	0,10
Чуст	—	—	Чуст	—
СИРДАРЁ ОБЛАСТИ				
Жиззах	2,71	—	Жиззах	2,71
Бойвот	0,06	—	Бойвот	0,06
Сирдарё	0,04	—	Сирдарё	0,04
Гулистон	—	—	Гулистон	—
Еттой	—	—	Еттой	—
Киров	—	—	Киров	—
Пахтаорол	—	—	Пахтаорол	—
Янгиер	—	—	Янгиер	—
Ильчи	—	—	Ильчи	—
Мирзачўл	—	—	Мирзачўл	—
Пахтакор	—	—	Пахтакор	—
ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ				
Бўё	0,38	—	Бўё	0,38
Бенобод	0,29	—	Бенобод	0,29
Урта Чирчиқ	0,28	—	Урта Чирчиқ	0,28
Янгиёул	0,04	—	Янгиёул	0,04
Оққўрғон	—	—	Оққўрғон	—
Юқори Чирчиқ	—	—	Юқори Чирчиқ	—
Ормоникенда	—	—	Ормоникенда	—
САМАРҚАНД ОБЛАСТИ				
Иштихон	0,45	—	Иштихон	0,45
Каттақўрғон	0,10	—	Каттақўрғон	0,10
Пастадағом	0,10	—	Пастадағом	0,10
Хатирчи	0,03	—	Хатирчи	0,03
Нарпай	0,01	—	Нарпай	0,01
Ондаё	—	—	Ондаё	—
Булунгур	—	—	Булунгур	—
Фаллаорол	—	—	Фаллаорол	—
Пайкент	—	—	Пайкент	—
Самарқанд	—	—	Самарқанд	—
Ургут	—	—	Ургут	—
ХОРАЗМ ОБЛАСТИ				
Хива	3,14	—	Хива	3,14
Шовот	3,09	—	Шовот	3,09
Янгиқўрғон	2,44	—	Янгиқўрғон	2,44
Ургучи	2,38	—	Ургучи	2,38
Қўнқўрғон	2,08	—	Қўнқўрғон	2,08
Гулистон	1,74	—	Гулистон	1,74
Хазорасп	1,55	—	Хазорасп	1,55
ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН АССР				
Тўртўй	3,68	—	Тўртўй	3,68
Беруний	3,48	—	Беруний	3,48

ЛЕНИН КўРСАТИБ БЕРГАН ЙўЛДАН

Ўзбекистон пойтахтига хўшабар келди: Тошкент давлат университети Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан мукофотланди.

Университет студентлари, профессорлари ва ўқитувчиларининг митинги шў воқеага бағишланди. Университет партия комитетининг секретари, фалсафа фанлари доктори К. С. Соликов митингга очиб, улуғ Лениннинг Ўрта Осиёда фан ва билим ўчоғини вужудга келтириш тўғрисидаги васияти қандай бажариблганлиғи ҳақида гапирди.

Митингга сўзга чиққан кишилар ҳукуматнинг юксак мукофоти учун барча студентлар ва ўқитувчилар номидан Коммунистик партия ва Совет ҳукуматига самимий ташаккур изҳор қилдилар.

Митинг катташчилари КПСС Марказий Комитети номига юборилган табрик телеграммисида Ленин партияси ва совет халқи ишига бундан буён ҳам ҳамақат билан хизмат қилмаси, дедилар.

(ЎзТАГ).

ДАНИЯЛИК МЕҲМОНЛАР

Совет дўстлик жамятлари союзининг тақдирини бинаоан мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Дания радикал партиясининг раиси С. Бьеррегорд бошчилигидаги шў партия раҳбар аъзолари группаси Ўзбекистонга келди.

Даниялик меҳмонлар Тошкент ва Самарқанднинг диққатга сазовор жойлари билан танишиб чиқдилар. «Ўзбексельмаш» заводини бориб кўрдилар. Дания радикал партияси раҳбар аъзоларини 7 сентябрда

УНИВЕРСИТЕТ ТАРИХИ ҲАҚИДА КИТОБ

«Ўзбекистон» нашриёти босмадан чиқарган китоб В. И. Ленин декрети билан 1920 йилда ташкил қилинган Тошкент давлат университети тарихига бағишланган. Китоб ана шу ўқув юртининг атоқли олимлари ва ўқитувчилари томонидан тайёрланган.

Муаллифлар университет босиб ўтган шонли йул тўғрисида, уни, университет кўп қиррали фаолияти,нинг салмоқли натижалари ҳақида аниқ ҳужжатларга асосланиб ҳикоя қиладилар. Университет фаолиятининг натижалари Илмнинг собиқ Туркистон ўлкасида олми ташлими ривожлантириш тўғрисидаги вазиятларини амалга ошириш самараларини акс эттирди. (ЎЗАТАГ).



Суратларда: 1. В. И. Ленин номи ТошДуниги янгидан қурилатган жаъмурий-биносининг кўриниши. 2. Университет ўқув корпусларидан бирининг кўриниши.



В. Сироткин фотолари.

Шуруби Мамлакатларда

БЕРЛИНДА МАТБУОТ КОНФЕРЕНЦИЯСИ

БЕРЛИН. (ТАСС). Жаҳон тинчлик кенгашининг бош секретари Р. Чандра СССР билан Германия Федератив Республикаси ўртасида Шартнома имзоланишини бутун дунёдаги тинчлик кучларининг эришган галабаси, деб атади. У, Берлинда уюштирилган матбуот конференциясида шундай деди. Р. Чандра Совет-Германия Шартномасини Европада ҳавфсизлигини таъминлаш йўлида босилган катта қадам, деб атади.

Тинчлик тарфдорлари ҳаракатининг турли мамлакатлардан келган таъкид арбоблари матбуот конференциясида сўзлаган нутқларида тинчлик учун курашувчилар халқаро ҳаракатининг олдида турган ланлар ва вазифалар тўғрисида гапириб бердилар. Улар ҳозирги вақтда жаҳоннинг кўпгина мамлакатларида ҳавфсизлик масалаларига бағишланган Умумевропа кенгашининг чакрилиши ёрдам беришни мақсад қилиб қўйган тadbирларга таявгарлик кўрилмоқда, дедилар.

ҚАТБИЙ ТАЛАБ

НЬЮ-ЙОРК. 7 сентябрь. (ТАСС). Филадельфия (Пенсильвания штати) негрларнинг «қора қоплолар» прогрессив партиясининг съезди очилди. Съездда 8 мингта яқин делегат ва турли демократик ташкилотлардан қабул қилинган номиндалар қатнашдилар.

«Қора қоплолар» партиясининг раҳбарларидан бири Кью Ньютон съездда нутқ сўзлаб, барча грандларга тенг ҳуқуқлар бериш тўғрисида шу кунгача АҚШда қабул қилинган қонуналар мамлакатдаги негр аҳолининг маърифий «сири» ҳам ўзгартирилганлигини айтди: «Халққа хизмат қилиш учун қабул қилинган конституция халққа хизмат қилмапти», деб таъкидлади у.

Ньютон Америка полициясининг негрларга нисбатан қилган жабр-зулмга хотима берилишини талаб қилди.

РЕВАНШЧИЛАР ЙИГИНИ

Гарбий Берлин, 7 сентябрь. (ТАСС). Кеча бу ерда Гарбий Германия ва Гарбий Берлин реваншчи ташкилотлари «Ватан кўнига» атаб йигини ўтказишди.

Гарбий Германиянинг «газета королли» Аксель Шпрингер ҳам иштирок этган бу йигини катташчилари ўзларининг негвогарликдан иборат нутқларида янги фашизм ва милитаризм голларини тарғиб қилдилар. Европадаги мавжуд

ҳолатнинг сақланиб қолишига қарши курашга даъват этдилар.

Шаҳарнинг демократик жамоатчилиги Гарбий Берлинда реваншчилар қонунига хилоф равишда ўтказган бу йигинига қарши кескин норозилик билдириб, СССР билан Германия Федератив Республикаси ўртасидаги Шартномага қарши қаратилган бундай илгогарликларга чек қўйишни талаб этмоқдалар.



Чехословакия. Шимолий Словакиядаги Дунай дарёсида.

ЖАҲОН БИР ҲАФТА ИЧИДА

Бирлик белгиси остида

Африкадаги мустақил мамлакатлар раҳбарларининг Аддис-Абебадаги учрашуви натижасида бир қанча озгорчилар муваффақиятсизликка учрайди ва ҳеч бир натижа бермайди, деб «каромат» қилганликларига қарамай, 3 сентябрда ўз ишини тавомиллаб бу учрашу мустақил мамлакатлар бораган ҳамкорлик вазиятида ўтди.

Учрашу ақшллик белгиси остида бошланди: Африка бирлиги ташкилоти ассамблеясининг Эфиопия пойтахтидаги мажлислари расмий очилишдан олдинки, Нигерия бир вақтлар «Биафра Республикаси»нинг таъинан Замбия, Танзания, Габон ва Фил суғи соҳили билан ярашиб олди. Мана шунинг ўзи ҳам энг бошданки ассамблеяда умидворлик азиятини яратиб берди, ассамблея қатнашчиларида ишанчлик қайташлари ажузда келтирди.

Қитъада мустамлакачиликни батамом тутатиш проблемаси ассамблеянинг диққат марказида турбди. Мустамлака мамлакатлар ва халқларга мустақиллик бериш тўғрисидаги тарихий декларацияни бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош Ассамблеяси қабул қилган кунга бу йил 10 йил бўлади. Африка ҳам ана шу муҳим санани катта муваффақиятлар билан кутиб олмоқда. Қитъадаги мамлакатларнинг кўпи шу ўн йил ичида озодлик эришди ва мустақил давлатлар оиласига қўшилди. Бироқ, Африкада мустамлакачилик ва ирқчилик режими асосати остида шу вақтгача азоб тортиб келатган яна ўн миллионлаб кишилар бор. Шу сабабли, Африка раҳбарлари Ангولا, Мозамбик, Гвинея (Биссау), Намибия, Родезия ва Жанубий Африка Республикасидаги миллий озодлик ҳаракатларини бутун чоралар билан қўллаб-қувватлашга маҳкам бел боғлаганликлари яна бир марта таъкидландилар.

Жанубий Африка ирқчиликларига қарши кураш олиб бериш тўғрисида Англия ҳукуматининг яқинда қабул қилган қарори Африка мамлакатларида кучли ғазаб тўқинини кўзга ташлади. Шу муносабат билан Африка давлатлари ва ҳукуматларининг бошлиқлари ўзлари қол қилган резолюцияда Жанубий Африка Республикасининг ҳарбий қуввати қўйирилганлигини ва гарб давлатлари ирқчиларга қуrol-ярoғлар етказиб беришни

давом эттиратганлиги Африкада ва бутун дунёда тинчлик ҳамда ҳавфсизлик ишига тўғридан-тўғри таъдид солмоқда, деб қайд қилдилар.

Африканинг сиёсий раҳбарлари Аддис-Абебада ўтказилган бу учрашува Яқин Шарқдаги аҳолига, жумладан, Исроил агрессорлари араб ерларини ҳануз оккупация қилиб турганликларига катта эътибор беришди. Улар Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Хавфсизлик Кенгашининг 1967 йил 22 ноябрь резолюциясига мувофиқ, Исроил қўшинларининг ҳаммасини оккупация қилинган территориялардан ҳеч сўзсиз олиб чиқиб кетишни талаб қилдилар.

Шуни айтиб ўтиш керакки, Африка бирлиги ташкилотининг ассамблеяси фақат Африкага шов проблемалар билангина чекланиб қолмасдан, халқаро микъсда катта аҳамиятга эга бўлган масалаларни ҳам муҳокама қилди. Бунга Эфиопия императори Хайле Селассие I нинг ассамблеядаги нутқи далил бўла олади. У СССР билан Германия Федератив Республикаси ўртасида имзоланган Шартноманинг муҳимлигини ўқитиб ўтди. «Бу Шартнома, деди у, фақат Европа учунгина эмас, шу билан бирга бутун дунё учун ҳам катта аҳамиятга эга».

Африка бирлиги ташкилотининг навбатдаги ассамблеяси халқаро қатъда катта воқеа бўлди. Мустақил Африка раҳбарлари Аддис-Абебада қабул қилган гоят муҳим қарорлар бунинг исботи эди.

Исроилнинг ғаламислиги

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош секретари-нинг вакили Ярринг Бирлашган Араб Республикаси, Иордания ва Исроил вакиллари билан алоқа боғлашдан буён бир ойда вақт ўтди. Аммо бу учрашулар халқ сеизилари натижалар бергани йўқ. Бунинг сабаби шунки, Исроил вакили Текоа Ярринг билан фақат бир марта учрашганидан кейин дарҳол самолётда Тель-Авивга учиб кетди ва шу вақтгача қайтиб келгани йўқ. Аммо Бирлашган Араб Республикаси можаирони бар-тароф қилишга тайёр эканлигини Бирлашган Миллатлар Ташкилоти қўллаб-қувватлаганлигига қарамай, Исроилдан бошқача шомоллар эсимокда. Ут оиниши тўхтатиш тўғрисидаги битимини Миср «бузди» деб асоссиз шовкин-сурон кўтарган Исроил урушқоқлари шуни баҳона қилиб, музокара-ларга ўз бериб қаршилик

кўрсатмоқдалар. Яқин Шарқдаги можаирони тинч бартараф қилиш йўлига гов солмоқдалар.

Исроилга шак-шубҳасиз хайрихоҳ бўлган, лекин Тель-Авив раҳбарларининг музокара-ларини бузишга уриноватганлигидан аниқланган «Вашингтон пост» газетасининг эътирофи қилиб ёзишча, Исроил томони Нью-Йоркдаги музокара-ларини 12-18 ойда қўзиш тактикасини ўтказди, деб кутмоқ кераки.

Музокара-ларни қўзиш — Исроилнинг асосий мақсади эмас, албатта, бундан у ўзининг узоққа мулккалланган ланларини амалга ошириш воситаси тариқасида фойдаланмоқда. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Хавфсизлик Кенгашининг Исроил қўшинларини босиб олиган Араб территорияларининг ҳаммасини олиб чиқиб кетишни талаб қилган 1967 йил 22 ноябрь резолюциясининг амалга оширилишига Исроил раҳбарлари ҳис қилмайди.

Исроил раҳбарлари билан тўқнаш қилмоқдалар. Исроилнинг 1967 йилдаги агрессиясига қадар бўлган чегаралар Исроил хавфсизлигининг таъминлашга, деб Исроилнинг энг баланд мартабадаги раҳбарлари айтган жуда кўп гаплари мисол қилиб келтириш мумкин, ваҳоланки, Исроил давлатининг ўзи ён атрофидagi Араб давлатларига уш марта тақозув ва агрессия қилганлиги, аммо ўзи бирор мар-ла ҳам ҳужумга учрамаганлиги маълум. Шунга қарамай, Тель-Авив раҳбарлари пропаганда мақсадида қилинаётган бу шовкин-суронлар Исроил ҳар-бийларининг экспансиячилик ниятларини амалга оширишга олим-қўлим ёрдам бериши мумкин, деб шубҳаланган бўлсалар керак.

Исроилнинг бошқа бир мақсади ҳам бор. Тель-Авив Бирлашган Араб Республикасининг, «ҳарбий мувозанатини бузди» деб айбалаб, Қўшма Штатлардан яна кўп микдорда қуrol-ярoғлар олишни мўлжаллаб турбди. Исроил ҳозирча ўш мўл-досига етмоқда. Яқинда АҚШ сенати қабул қилган қарорда АҚШ ҳукуматига Исроилни ҳарбий жиҳатдан таъминлаш борасида чекланмаган имкони-ятлар берди.

Шартномага қарши чиқаётганлар кўпчилиги эмас

Германия Федератив Республикаси билан СССР ўр-та-

сида 12 августда Москвада тузилган ва, жумладан, Европадаги мавжуд чегараларнинг бузилмаглигини тан олишни кўзда тутган Шартнома тарфдорлари билан унга қарши чиқаётганларнинг музокара-ларини бузишга уриноватганлигидан аниқланган «Вашингтон пост» газетасининг эътирофи қилиб ёзишча, Исроил томони Нью-Йоркдаги музокара-ларини 12-18 ойда қўзиш тактикасини ўтказди, деб кутмоқ кераки.

Музокара-ларни қўзиш — Исроилнинг асосий мақсади эмас, албатта, бундан у ўзининг узоққа мулккалланган ланларини амалга ошириш воситаси тариқасида фойдаланмоқда. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Хавфсизлик Кенгашининг Исроил қўшинларини босиб олиган Араб территорияларининг ҳаммасини олиб чиқиб кетишни талаб қилган 1967 йил 22 ноябрь резолюциясининг амалга оширилишига Исроил раҳбарлари ҳис қилмайди.

Исроил раҳбарлари билан тўқнаш қилмоқдалар. Исроилнинг 1967 йилдаги агрессиясига қадар бўлган чегаралар Исроил хавфсизлигининг таъминлашга, деб Исроилнинг энг баланд мартабадаги раҳбарлари айтган жуда кўп гаплари мисол қилиб келтириш мумкин, ваҳоланки, Исроил давлатининг ўзи ён атрофидagi Араб давлатларига уш марта тақозув ва агрессия қилганлиги, аммо ўзи бирор мар-ла ҳам ҳужумга учрамаганлиги маълум. Шунга қарамай, Тель-Авив раҳбарлари пропаганда мақсадида қилинаётган бу шовкин-суронлар Исроил ҳар-бийларининг экспансиячилик ниятларини амалга оширишга олим-қўлим ёрдам бериши мумкин, деб шубҳаланган бўлсалар керак.

Исроилнинг бошқа бир мақсади ҳам бор. Тель-Авив Бирлашган Араб Республикасининг, «ҳарбий мувозанатини бузди» деб айбалаб, Қўшма Штатлардан яна кўп микдорда қуrol-ярoғлар олишни мўлжаллаб турбди. Исроил ҳозирча ўш мўл-досига етмоқда. Яқинда АҚШ сенати қабул қилган қарорда АҚШ ҳукуматига Исроилни ҳарбий жиҳатдан таъминлаш борасида чекланмаган имкони-ятлар берди.

Германия Федератив Республикаси билан СССР ўр-та-

РАДИО БҲҲҲ

6.15 — Тонгги концерт, 8.25 — Жонажон ўқиб ҳақида қўйлайми, 8.30 — Оркестр қўйлар, 10.10 — Никола Гюзелов қўйлайди, 10.30 — Машраб газаллари билан айтиладиган кўниси, 11.15 — КПСС МК июль Пленуми қарорлари — ҳаётга 11.30 — Қўйлар, 11.45 — Москва, 2.15 — Г. Жубанова, Скрипка ва оркестр учун концерт, 13.30 — Эстрада қўйлар ва қўшқилари, 16.10 — Г. Жураева, «Надежда Крупская» поэмаси, 16.50 — «Правда» газетасининг обзори, 18.00 — КПСС МК июль Пленуми қарорлари — ҳаётга 18.10 — С. Вобоев, «Ўзбекистон пахтакорлари» кантата-сини, 18.40 — Спорт эшитириши, 19.20 — Халқ талантлари концерти, 20.00 — «ВШЛН» радиостанциясининг программаси, 20.50 — Қўйлар, 21.00 — Халқаро мавзуларда суҳбат, 21.10 — Қишлоқ меҳнатқиллари учун концерт, 22.20 — Ёнгил қўйлар, 22.40 — Савимли ёзувчилар радионутубохонаси, Ш. Рашидов, «Будурган тулқин» романидан боб, 23.15 — «Қўйлар тинглаб дам оламиз», 24.00 — Тунгги концерт.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ БҲҲҲ

БИРИНЧИ ПРОГРАММА
МОСКВА. 13.00 — Программа, 13.05 — Янгилар, 13.15 — «Муму», Вадий фильм, 14.25 — Сузаш бўйича Европа биринчилиги мусобақалари. Барселона шаҳридан олиб кўрсатилади, 15.25 — Янгилар, ТОШКЕНТ, 18.25 — Программа, Рус тилида: 18.30 — Қўйлар, 18.35 — «АХВОРОТ», 18.50 — Жон Прис-тлин, «Фаришта кўчаси» (теле-спектаклнинг 1-қисми), 20.25 — Рената, Ўзбек тилида: 20.40 — Жўржизининг халқаро бир-дамлик кўни, 21.00 — Қўшқилар шоклар, Аҳмад БОБОЖОН, 22.00 — «АХВОРОТ», 22.15 — КПСС XXIV съезди олдидан, 22.35 — Янгилар, 22.40 — Халқ та-лашлари. Порохин ИСХОКОВ.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА
ТОШКЕНТ. Ўзбек тилида: 18.00 — «Динтор Гориш» (бадний фильм), 19.30 — Ўқув кўрсату-лари программаси, МОСКВА, 20.00 — Программа, 20.03 — Янгилар, 20.15 — «Юлдузча порайди», 20.40 — Концерт, 21.00 — Янгилар, 21.05 — Телефильм, 21.25 — Ўрмин-йигит аялди, 21.50 — «Хар бир километр» (4-серия-си), 22.45 — «ВАКТ», 23.15 — Сузаш бўйича Европа биринчи-лиги мусобақалари, Барселона шаҳридан олиб кўрсатилади.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА
ТОШКЕНТ. Ўзбек тилида: 20.00 — Концерт, 20.40 — Хўжакати фильм, Рус тилида: 21.00 — Хўжакати фильм, 21.20 — «Ти-ришчи» (бадний фильмининг 1-серияси).

ТЕАТР

НАВОНИ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВ-ЛАТ АКАДЕМИИ КАТТА ТЕАТРИ-да — 9/IX да Русалка, 9/IX да тўй кўнади.

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВ-ЛАТ АКАДЕМИИ ДРАМА ТЕАТРИ-да 9/IX да Шоҳ Эдил, 9/IX да Парона.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — СОВЕТ ИТТИФОҚИ ВА БОЛГАРИЯ ЦИРКИ УСТАЛАРИНИНГ ТОМОШ-ЛАРИ. Ургатчиан арслонларининг катта аттракцион, Ургатучи — РСФСРда хизмат кўрсатган ар-тисст ВЛАДИМИР БОРИСОВ. (То-мошлар кеч соат 8 да бошланади. Шанба кўнари: кундуз соат 3, кеч 8 да, яншанба кўнари: кун-дуз соат 12, 3 ва 8 да томошлар кўрсатилади).

КИНО

КИШКИ БИНОДА
Гайдукар қасоси — «АНЪАТ САРОВИ», «ЧАНКА», «СПУТНИК», «ЎЗБЕКИСТОН» «ВОСТОК», «МОС-КВА», «ДРУЖБА» (кундуз ва кеч-курру).

Малика — «ТОШКЕНТ СОВЕТИ-НИНГ 50 ЙИЛЛИГИ», «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кеч-курру).

Муҳаббат мавсуми — «ЎЗБЕ-КИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кеч-курру).

Гуя ва тош — НАВОНИ НОМЛИ (кундуз ва кеч-курру).

ЕЗГИ БИНОДА
(Кеч соат 8.40 минут ва 10 да бошланади)

Гайдукар қасоси — «ФЕСТИ-ВАЛЬ», ТЕЛЪАН НОМЛИ, Малика — «ХИВА».

Саврлов номли концерт залда

8, 9 СЕНТЯБРДА
Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист ОЛМАХОН ХАРИТОВА ширинида

М. ҚОРИҚУБОВ
НОМИДАГИ ЎЗБЕК
ДАВЛАТ ФИЛАРМО-
НИЯСИ ВА ЭСТРАДА
АРТИСТЛАРИНИНГ

КАТТА КОНЦЕРТИ

Концерт кеч соат 8 да бош-ланади.

Билетлар концерт зали мас-сасида кундуз соат 2 дан со-тилади.

СИБИРЬ БАЛАНД ТОГЛИГИ-ДАГИ ЖОНИВОР

Кузнецки Олатовининг баланд-ликларида ва тоғлиқ Шорида тарқалган бу кичик ҳайвонни шор халқи «мирелаш» деб атайд.

Қўлга маълум бўлмаган бу ҳайвон ёзда ўтири тўйлар билан ўт «кирида» ва уни иг-набар дарахт остига келтириб қўйди. Шу ўт қурганидан сўнг мирелаш уни гарамлаб олади. Шундай қилиб, қишги озуқа тайёр бўлади. Аммо шу яхши ланч қўпича бўғи ва ийилканининг ўлимига бўлиб не-тади. Аммо бундан мирелаш ҳафа бўлмайди: у қишнинг уюсида ўтиб олиб қўллагача меҳмон бўлиб чиқади.

Мирелаш кундуз мўйнасига ўхшаш қалин сариқ мўйна ба-лан қопланган думсиз ҳайвон-дир. Шунинг устига териси ҳам қалинроқ бўлганда мўй-насининг қиммати баланд бў-ларди.

АЖАБ ХИСЛАТЛИ ЖОНИВОРЛАР

Кичик ҳайвон овчиларнинг қопқонларига қамдан-қам ту-шиб, ҳайратда қолдирилади. Чунки у жуда кичик — иши нафтидан катта эмас ва бу-нинг устига гоятда эҳтиёткор-дир. Шунинг учун ҳам уни му-зейларнинг зоология коллек-цияларида қамдан-қам хўрасиз.

Ю. КРОМОВ,
(ТАСС мухбири).
Кемерово об-ласти.

КАПТАРЛАР ШИМОЛНИ
ЕКТИРИБ ҚОЛДИ

Ҳамма ерда учрайдиган ва унча озуқа танламайдиган чум-чуқлар ҳам узоқ шимолнинг қаттиқ табиғатида дош берол-мади. Тажриба тариқасида не-

ҚАЛДИРҒОЧЛАР ЖОНГА ОРО КИРДИ

Бу воқеа Астрахань области-даги қолхозлардан бирида со-дир бўлди. Бу ерда ўтлаб ю-рган сигирлар бирдан ўйноқ-лаб қолди: думлари билан ўзларини савалай кетишди, депсини ва бўйириб кеча бош-лашди. Маълум бўлишча, ўт-лоқ устини қора булутдек қоп-лаган чиванлар податга ҳужум қилган экан.

Шу пайт ҳавода қалди-рғочлар галай павда бўлиб қол-ди. Улар ўтлоқ сари шўнғий бош-лашди. Паррандалар қаққон-шувчан самолётлардан кетма-кет шўнғий бошлашди. Шу тахлитда ордан 15 минутлар қамаси вақт ўтган чиванларни қириб битирган қалди-рғочлар қўлдан ўтган электр силларига беғамол бўлиб олишди. Си-гирлар бўлса ҳеч нарса бўл-маганди яна ўтлаб бошлашди.

Е. ДЕНИСОВ,
(ТАСС мухбири).
Магадан.

СПОРТ

Сентябрь футбол

Сентябрь ойи футбол воқеа-ларига бой бўлади. Мамакат футбол чемпионатининг сен-тябрь ойидаги қонғай ўйин-лари календарга мана бундай:

8. ЦСКА — «Зенит»; 9. «Чер-номорец» — «Динамо» (Тби-лиси); 10. «Динамо» (Киев) — «Шахтер», «Динамо» (Москва) — «Пахтакор», «Торпедо» (Кутанси) — «Заря», «Спар-так» (Оржоникидзе) — «Спартак» (Москва); 11. «Торпе-до» (Москва) — «Нефтич»; 13. «Динамо» (Минск) — «Динамо» (Тбилиси); 14. «Шахтер» — «Черноморец»; 15. «Нефтич» — «Динамо» (Киев); 17. «Торпедо» (Москва) — «Арабат»; 18. «Ди-намо» (Минск) — Торпедо» (Кутанси); 19. «Динамо» (Мос-ква) — «Динамо» (Тбилиси), «Черноморец» — «Динамо» (Киев).

Сусткашлик оқибати

Шанба кундаги «Спар-так» (Москва) — «Ара-бат» ўйини 1:1. «Черноморец» — «Динамо» (Москва) уч-ра-шуви 1:2 билан тугалди. Уттай кун киешликлар ўш майдо-ларда тбилислик ҳамқўб-ларини жағовбоз икки тўп билан мағлубиятга учратди-лар.

«Пахтакор» сафардаги би-ринчи ўйинини муваффақ-иятсиз бошлади. Донецк шаҳри-да Ўзбекистон футболчилари сусткашлик билан ўйнаб, «Шахтер» командасига 3:0 ба-дан ютқазиб қўйдилар. «Зар-я» — «Торпедо» (Москва) 4:1, ростоқли армиячилар билан Кутансини «Торпедо» командаси ўртасидан учра-шуя ҳисоб очилмаган ҳолда тугади.

Редактор
М. ҚОРИЕВ.

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Орган Центрального Комитета Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР.

Бизнинг адрес ва телефонлар: ТОШКЕНТ «ПРАВДА ВОСТОКА» кўчаси № 26. Редактор — 33-65-45, Редактор ўринбосарлари — 337914, 339323, Мазсул секретари — 334455, Мазсул секретари ўри-барлари — 337293, Партия туркуши — 333469, 337221, Марксизм-ленинизм назариясини пропаганда қилиш — 331455, Халқаро ҳаёт — 337221, Сановат, капитал курилиш ва транспорт — 334780, Совет куриллаш — 333258, Қишлоқ ҳўжалиги — 337604, Албоб ва санъат — 332038, 331216, Фан маъна ва олий ўқув юртилари — 334451, Маҳаллий ахборот ва спорт — 332347, Оммавий ишлар ва халлар — 338679, 333553, Иллюстрация — 334524, Стенография — 337343, Коррентур — 337162, Эълонлар — 338142, Коммутиатор — 330249, 330250, 330251, 330252, 330253, 330254, 330255, 330256, 330257, 330258, ОБЛАСТЬ МУХБИРЛАРИ, Андижон — 48-85, Бухоро — 31-42, Қарши — 38-42, Нукус — 42-62, Самарқанд — 31-872, Термиз — 23-27, Ургач — 34-55, Фаргона — 4-29-44.